

_____ (рўйхатга оловчи органнинг номи)

томонидан 2023йил ____ июндаги

_____ -сон реестр

рақами билан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

М.Ў.

«FOYKON» aksiyadorlik
jamiyati aksiyadorlarining 2023 йил
13 июндаги 2022йил якуни
aksiyadorlar umumiy yingiliши
ba'ённомаси билан

«ТАСЛИКЛАНГАН»



**«FOYKON»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ
(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

Тошкент - 2023йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «FOYKON» акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда «жамият» деб юритилади мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни (бундан буён матнда «Қонун» деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.2. Жамиятнинг номи:

- узбек тилида (лотин алифбосида) - «FOYKON» Aksiyadorlik jamiyati
- узбек тилида (кирил алифбосида) - «FOYKON» Акциядорлик жамияти
- рус тилида - Акционерное общество «FOYKON»

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

- узбек тилида (лотин алифбосида) - «FOYKON» AJ
- узбек тилида (кирил алифбосида) - «FOYKON» АЖ
- рус тилида - АО «FOYKON»

1.3. **Жамиятнинг юридик манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буз мавъзеси, 69-уй, почта индекси 100125, **почта манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабзқучаси 16ауй, 705 хона, почта индекси 100015. жамиятнинг электрон почта кутиси foykon@mail.ru, веб-сайти номи www.foykon.uz

2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.2. Жамият ўз фаолиятини мазкур устав ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ва таъсис ҳужжатларига асосан амалга оширади.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради. Жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штамп ва бланкаларга, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўз эмблемасига, товар белгисига эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият ўз эгалигида мустақил балансда ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАКСАДИ ВА ТУРЛАРИ

3.1. Жамият фаолиятининг мақсади Акциядорлик Жамияти сифатида акциядорларнинг манфаатларини кузлаб фойда топиш.

3.2. Жамият фаолиятининг йуналишлари куйидагилардир:

- Кимматли коғозлар бозорида амалдаги конунчилик асосида уз фаолиятини амалга оширади.
- Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ташкилот корхона ва фуқороларга хизмат курсатиш ва иш бажариш;
- Ўзбекистон Республикасининг конунчилигига мувофиқ равишда ташки иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;
- Экспорт импорт операциялари;
- Юридик шахсларни ташкил этиш ёки уларнинг устав фондида (капиталида) улушлар билан шунингдек мол-мулклар ва акцияларни сотиб олиш орқали иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган кимматли коғозлар, шунингдек қарз мажбуриятларини сотиб олиш;
- Конунчиликга асосан мулкый ҳуқуқларга эгаллик қилиш, шунингдек;
- савдо объектлари ва хизмат курсатиш муҳитига;
- узи жойлашган ер майдони билан уй жой биноларига;
- ер майдонидан фойдаланиш ва эгаллик қилиш (ижара асосида ҳам);
- бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш;
- Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига зид келмайдиган
- фаолият турлари билан ҳам шугулланади.

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолият турлари қонунда белгиланган тартибда лицензия олингандан сунггина амалга оширилади.

Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.

4. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)

4.1. Жамиятнинг Устав фонди 1 721 477 000 (бир миллиард етти юз йиғирма бир миллион тўрт юз етмиш етти минг) сум ни ташкил этиб, у хар бирининг қиймати 250 (икки юз эллик) сумга тенг булган 6 885 908 (олти миллион саккиз юз саксонбеш минг тўққиз юз саккиз) дона эгасиёзилган оддийакцияларни ташкил этган.

4.2. Жамият жойлаштирилган акцияларга қушимча эълон қилинган 6 885 908 (олти миллион саккиз юз саксонбеш минг тўққиз юз саккиз) дона эгаси ёзилган оддий акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга. Жамиятнинг Устав фонди унинг кредиторлари манфаатларини қафолатловчи минимал мулк микдорини ифода қилади.

5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Акциядорлар қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- жамиятнинг акциядорлар реестрига киритилиш;
- жамият депозитарийсидан, депо ҳисобидан қучирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилишида унга тегишли булган хиссасига мувофиқ жамият мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молиявий-ҳужалнк фаолияти ҳақида жамият уставига мувофиқ тулик ва тугри маълумотлар олиш;
- олинган дивидендларини эркин тасарруф этиш;
- кимматли коғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича давлат томонидан вакил қилинган оғанда, шунингдек судда уз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инвестиция институтлари ва эмитентларнинг тажрибасиз ёки ноҳалол ҳаракатларидан етказилган зарарни қоплатиш;

- уз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмалар ҳамда бошқа ташкилотларга бирлашиш;
- қимматли қозғаларни сотиб олишда зарар ва (ёки) талафот қуриш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган таваккалликни сугурта қилиш.

8.2. Акциядорлар мажбурияти қуйидагилардир:

- ушбу Уставда белгиланган тартибда, микдорда ва усулларда акцияларнинг пулини тулаш;
- ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида урнатилган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- ушбу Уставда белгиланган доирада Жамиятнинг бошқаруви органи қарорларига бўйсунуш;

Жамият фаолияти тугрисида махфий ахборотни ошқор қилмаслик.

8.2. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

8.3. Жамият акциядорлари ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

5.1. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўпайтириш тартиби

4.1 Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

4.2 Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

4.3 Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарорлар қузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.4 Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.5 Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайрилиши керак.

4.6 Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

4.7 Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.8 Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) унинг ўз капитални ҳисобидан қўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига муносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) қўпайтирилиши натижасида қўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тартиби

5.1 Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайрилиши мумкин.

5.2 Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга, агар бундай имконият жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, йўл қўйилади.

5.3 Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисидаги ва жамият

уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.4 Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капитални) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.5 Жамият устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитални) камайрилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

6. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НОМИНАЛ КИЙМАТИ, КУШИМЧА АКЦИЯЛАР ЖОЙЛАШТИРИШ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЎЗ АКЦИЯЛАРИНИ КАЙТА СОТИБ ОЛИНИШИ

5.1. Жамият акциялар облигациялар ва кимматли коғозларни мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги белгиланган тартибда чиқаришга ҳақлидир.

5.2. Жамиятнинг кимматли коғозларини чиқариш, руйхатдан утказиш, жойлаштириш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, мазкур Устав ҳамда чиқариш ҳақидаги қарорга қўра белгиланади.

5.3. Жамият ҳар бир донасининг номинал киймати 250 (икки юз эллик) сум бўлган акцияларни чиқаради.

5.4. Жамият қуйидаги қуринишдаги ва турдаги акцияларни чиқаради:

Акцияларнинг қуриниши:

- эгаси ёзилган эмиссиявий кимматли коғозлар.

Акцияларнинг тури:

- оддий.

5.5. Акцияларнинг эгаси - акциядор деб факатгина жамиятнинг акциядорлар реестрига киритилган жисмоний еки юридик шахс ҳисобланади. Акциядорлар реестрида руйхатдан утган шахс узи ҳақидаги маълумотлардаги ўзгаришларни реестр юритувчига ўз вақтида ахборот бериши шарт. Акциядор узига тегишли ўзгарган маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаганлиги сабабли қўрган зарарлар учун жамият ва реестр юритувчиси жавобгар бўлмайди.

5.6. Жамият очик ва ёпик обуна бўлиш орқали жамият акцияларига конвертацияланган акциялар ва кимматли коғозларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

5.7. Жамиятнинг қўшимча кимматли коғозларини жойлаштириш, ушбу қўшимча кимматли коғозларини жойлаштириш ҳақидаги қарорда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.8. Жамият акциясига конвертацияланган акциялар ва кимматли коғозларнинг жойлаштирилиши усуллари (очик еки ёпик обуна бўлиш) чиқариш ҳақидаги қарорда белгиланади.

5.9. Кимматли коғозлар учун тулов шакли, уни сотиб олишда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини қўллаш кимматли коғозларни чиқариш ҳақидаги қарорда белгиланади.

5.10. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳолатларда акциядорлар умумий йиғилиши еки қўзғатув кенгашининг қарорига асосан жамият узининг жойлаштирган акцияларини қайта сотиб олиш ҳуқуқига эгадир.

7. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАКСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Жамиятнинг ҳужалик фаолияти натижасида оладиган, амалдаги қонунчиликка биноан солиқлар тулангандан кейин қолган даромади (фойдаси) жамият ихтиерида қолади ҳамда реинвестицияларга йўналтирилади, шунингдек Жамият фондларини ташкил этиш ҳамда амалдаги қонунчилик ва ушбу Уставга биноан акциялар буйича дивидендларини тулаш учун ишлатади.

6.2. Акциядорлик Жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тулов воситалари билан туланиши мумкин.

6.3. Дивидендлар акциядорлар уртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига

кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.5. Акция эгаси эгаси ёхуд унинг қонуний вориси томонидан қонун томонидан белгиланган муддат ичида талаб қилинмаган дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиш қарорига асосан Жамият тасарруфида қолдирилади.

6.6. Жамият қуйидаги ҳолатларда акциялар бўйича дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- жамият бутун Устав фонди батамом тулангунга қадар;
- агарда дивидендлар туланадиган вақтда Жамиятда туловга лаёқатсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;
- агарда соф активларнинг қиймати унинг Устав ва захира фондлари йиғиндисидан кам бўлса.

8. МОДДА. ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1 Жамиятда жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.2 Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.3. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Акциядорлик Жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради.

9.2. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси қуйидагилардан иборат акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи, ички аудит хизмати.

10. МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият бошқарувининг олий органидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши утказилиши санаси ва тартиби, акциядорларга умумий мажлис ҳақидаги хабарни етказиш тартиби умумий мажлисни утказишга тайёргарлик қилиш учун акциядорларга тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тартибга солинади.

10.3. Жамият акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий мажлиси молиявий йил якунидан сунг 6 (олти) ойдан кеч бўлмаган муддат ичида утказилиши шарт.

10.4. Акциядорларга умумий мажлис утказилиши ҳақида хабар, мажлис бўлиб ўтадиган санадан 21 (йигирма бир) кундан кеч 30 (уттиз) кундан олдин бўлмаган ҳолда етказилиши лозим.

10.5. Умумий мажлиснинг утказилиш тартиби (регламента) умумий мажлис раисининг таклифига биноан умумий мажлисда тасдиқланади.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг акциядорлари руйхатдан утказиш тугаш вақтида, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган сони руйхатдан ўтганда қворум бор деб ҳисобланиб, мажлисни очиб, утказишга ҳақли ҳисобланади.

11 МОДДА. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1 Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, қонунга қура акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бунда мустаснодир.

11.2. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий мажлиси томонидан 3(уч) йил муддатга сайланган 9 (туккиз) нафар аъзолардан таркиб топади. Кумулятив овоз бериш усулида қупчилик овозини туплаган номзод Кузатув кенгашига сайланган деб ҳисобланади.

11.3. Кузатув кенгаши ҳаракатларини амалга ошириш ва унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилик ҳамда ушбу уставга қура белгиланади.

11.4. Ушбу Уставга қура Кузатув кенгашига қуйидаги ваколатлар юклатилади:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциялар номиналини ошириш йули билан, ёки эълон қилинган акциялар доирасида қушимча акциялар чиқариш йули билан жамият устав фондини ошириш ҳақида қарор қабул қилиш;
- устав фондини ошириш билан боғлиқ қушимча ва узгартиришларни жамият уставига киритиш;
- жамиятнинг қимматли қозғаларини жойлаштириш;
- жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- қонунда белгиланган ҳолатларла Жамият томонидан жойлаштирилган акция, облигация ва бошқа қимматли қозғаларини сотиб олиш;
- жамиятнинг қелгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш ва акциядорлар умумий йигилишда тасдиқлашга тақдим этиш;
- ижроия органига туланадиган ҳақ ва бадаллар миқдорини белгилаш;
- яққабош ижроия органи, бошқарув ташкилоти ёки бошқарувчи билан шартномани муддатдан аввал тухтатиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш,
- умумий мажлис утқазгунга қадар вақтинча яққабош ижроия органи вазифасини бажарувчини тайинлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- аудиторлик текширувини ўтқазиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига туланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- дивиденд миқдори, уни тулаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятни бошқариш органларининг фаолиятини тартибга соладиган ҳужжатларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;
- ушбу Устав ва амалдаги қонунчилик асосида кузатув кенгаш ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Кузатув кенгаши ваколатига берилган масалаларни, ижроия органи томонидан руҳсатсиз ҳал қила олмайди.

11.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгаши раисининг ташаббуси билан, ёки кузатув кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси ёки Жамиятнинг ижроия органи ва Уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига биноан қақрилади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини қақриш ва утқазиш тартиби ушбу Устав ва амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

11.6. Кузатув кенгаши мажлисини утказиш учун кворум сайланган кузатув кенгаши аъзолари умумий сонидан 75%-дан кам булмаслиги керак.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлис иштирок этувчиларнинг купчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

11.7. Ушбу Уставда кузатув кенгаши аъзоларининг қарор қабул қилишда овозлари тенг бўлган тақдирда Жамият кузатув кенгаши раисига ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи берилади.

12 МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик, акциядорлар умумий йигилишида 1 (бир йил) муддатга сайланган яккабош ижроия органи, яъни директор томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамият директори, акциядорлар умумий йигилиши қарорига асосан 3 (уч йил) муддатга тайнланади. Жамият директори қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Жамият директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонунчилик ҳужжатларида, жамият ушбу уставда ҳамда жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгилаиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

12.3. Директор ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

12.4. Директор Жамиятнинг акциядорларининг умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради.

12.5. Директор ишончномасиз Жамият номидан ҳаракат қилади, шу жумладан Жамият манфаатларини қузлайди. Жамият номидан битимлар тузади. Штатларни тасдиқлайди, бўйруғлар чиқаради. Жамиятнинг барча ходимлари бажариши лозим бўлган бўйруғлар чиқаради ва курсатмалар беради.

12.6. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

12.7. Кузатув кенгаши шартнома шартлари бузилган тақдирда Директор билан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ва кузатув кенгаши қарори билан навбатдаги акциядорлар умумий мажлисига қадар, директор вазифасини вақтинча бажурувчини тайинлайди.

13 МОДДА. ЖАМИЯТНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Жамиятни қайта ташкил этиш, қушиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб юбориш ва қайта ташкил этиш тарзида кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

13.2. Янгитдан ташкил этилган юридик шахслар давлат руйхатига олинган пайтдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бирлаштириш тарзида қайта ташкил этиш бундан мустаснодир.

13.3. Жамият бошка Жамиятга қушиб юбориш йули билан қайта ташкил этилганда, давлат руйхатга олиш органи қушилиб юборилган жамият уз фаолиятини тухтагани ҳақидаги қайдни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан қушиб юборилган Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

13.4. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган Жамиятларни давлат руйхатидан утказиш ҳамда қайта ташкил этилган Жамиятларнинг фаолияти тухтатилганлиги тўғрисидаги қайдни киритиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.5. Қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан Жамият 30 (уттиз) кундан кечиктирмай уз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади. Кредитор Жамиятдан мажбуриятларни тухтатиш ёки муддатидан илгари бажариш ҳамда зарарни қоплашни қуйидаги муддатларда ёзмаравишда хабар бериш йули билан талаб қилишга ҳақлидир:

- қушиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни Жамият кредиторига юборган санадан бошлаб узоғи билан 30 кун ичида;
- бўлиб юбориш ёки ажратиб юбориш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни Жамият кредиторига юборган санадан бошлаб узоғи билан 60 (олтмиш) кун ичида.

13.6. Агар бўлиниш баланси қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган

Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар буладилар.

13.7. Кузатиш комиссияси юридик шахсларни руйхатга олиш тугрисидаги маълумотлар эълон қилинадиган матбуот органларида Жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қуйиш тартиби ва муддатлари хақида хабар эълон қилади. Кредиторларнинг талаб қуйиш муддати Жамият тугрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

13.8. Агар тугатиш тугрисида қарор қабул қилинган вақтга келиб, Жамият уз кредиторлари олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки акциядорлар уртасида амалдаги қонунчилик асосида тақсимланади.

13.9. Жамият тугатиш комиссияси кредиторларини аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора тadbирларини куради, шунингдек кредиторларни Жамиятни тугатилиши тугрисида ёзма равишда хабардор қилади.

13.10. Кредиторларнинг талаб қуйиш муддати тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралик тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қуйган талаблар, шунингдек, уларни қараб чиқиш натижалари тугрисидаги маълумотлар бўлади. Оралик тугатиш баланс акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тугатилаётган Жамиятни давлат руйхатидан утказган орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

13.11. Агарда тугатилаётган Жамиятнинг мавжуд пул маблағлари Кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса тугатиш комиссияси Жамиятни бошқа мол-мулкни қимосида савдосида сотишни амалга оширади.

13.12. Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул суммаларини тулаш тугатиш комиссияси томонидан оралик тугатиш балансга мувофиқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган навбат тартибда мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

13.13. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиниб бўлингандан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, бу баланс акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тугатилаётган Жамиятни давлат руйхатидан утказган орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

14. КОРПОРАТИВ МАСЛАХАТЧИ

14.1. Жамият қузатув кенгаши томонидан унга ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этади.

14.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият қузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

15. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР


15.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

15.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

15.3. Мазкур Устав жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатига олинган вақтдан бошлаб қўчга қиради.

15.4. Мазкур Уставда назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

«FOYKON» Акциядорлик жамияти
Директори



Б.Д.Карақозов

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"FOYKON" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyekting to'liq nomi

"FOYKON" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

201 960 145

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

18.09.1996

Sana

808

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, MIRZO ULUG`BEK TUMANI, BO`Z MAVZE, 69-UY

Tomonidan berilgan:

MIRZO ULUG`BEK TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1041308





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
201 960 145

Nomi
FOYKON

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Bo'z mavze,
69-uy

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
201 960 145

Nomi
FOYKON

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Bo'z mavze,
69-uy



20.06.2023

2198247

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1041307





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

Oldingi ta'sischi

Yuridik shaxs

AKSIYADORLAR

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR):
201960145

Miqdori: 1721477 000
so'm

Ulush:
100.00%

Ustav fondi

1 721 477 000 so'm



20.06.2023

2198247

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1041307





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 6885908

Aksiya bahosi: 250 so'm

Ustav fondi

1 721 477 000 so'm



20.06.2023

2198247

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1041307

